

Шарҳ: Аввало ушбу ҳадиснинг ровийси Усайд ибн Зухайр розияллоҳу анҳу билан танишиб олайлик.

Усайд ибн Зухайр ансорлардан бўлиб, Авс қабиласидан эдилар. Бу саҳоба Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан кўплаб ҳадислар ривоят қилдилар. У киши Абдулмалик ибн Марвоннинг халифалик даврларида вафот этдилар.

Бу ҳадиси шарифда Қубо масжидида ўқилган бир намознинг савоби умра қилганнинг савобига тенг келиши таъкидланмоқда.

Бу эса Қубо масжидини Ислондаги тўртинчи мартабадаги масжид дея эътироф этишимизга асос бўлади. Чунки бошқа масжидлар ҳақида бу маънодаги ҳадислар айтилмаган.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди»